БИР ЙЎЛА УЧ ЎҒИЛЛИ БЎЛИШДИ

Когонлик темир йўлчи Салимжон Ҳамдамов ва унинг рафиқаси Насибахон яқинда бир йўла уч ўғилли бўлишди. Эгизакларни улар Исломжон, Абдуғанижон, Каримжон деб номладилар. Когон тумани ҳокими бу бахтиёр оилага 10 минг сўм суюнчи берган бўлса, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси вилоят бўлими эгизакларнинг соғлиғини назорат қилиб турувчи ҳамширага ойлик маош тўлашни ўз зиммасига олди.

Даврон БАҲРОНОВ.

СИРДАРЁДА ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Вилоят деҳқончилиги тарихида ўзига хос янгилик рўй берди. Бу йил биринчи бор 2 минг гектар ердаги ғўза эрта гулга кирди. Бу плёнка остида чигит экиш шарофатидандир. Йил бошида тушуниб-тушунмай бу борада кўпроқ иш қила олмаганлар армонда қолдилар. Июнь ойининг бошидаёқ гулга кириб, дуркун ўсаётган ғўзаларни биринчи бор кўриб турган деҳқонлар ҳозирданоқ келгусида бундай майдонларни имкон қадар кўпайтиришни дилга тугиб қўймоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ.

ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР ФРАНЦИЯГА ЖЎНАШДИ

Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг ёш велосипедчилари жаҳон халқаро турнирида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Темур Жумаев, Сергей Иволжабов, Станислав Нардюжнов, Александр Рамазанов, Сергей Лагутин, Денис Шакбента Францияга жўнаб кетишди. 18-19 ёшли йигитларимиз турли масофали беллашувларда жаҳондаги қирққа яқин мамлакатлардан борган тенгқурлари билан куч синашадилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ҚУШНИЛАР ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

Фарғона туманида бу йил 8 минг гектардан ортиқ ерга буғдой сепилган эди. Яхши парвариш туфайли пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди. Айни пайтда туманда буғдой ўрими қизғин боряпти. Бу ерда 38 та ўрим машинаси ишласа-да комбайнлар танқислиги сезилиб қолди. Шунда қўшни Қирғизистон Республикасининг Новқат туманидан фарғоналикларга ёрдам келди. Новқатлик бир гуруҳ механизаторлар ўз галла комбайнлари билан келиб Фарғона тумани буғдойзорларида ҳосил ўримига киришдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 12 июнь, пайшанба № 68 (22.152).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

10 июнь куни Тошкентда Германиянинг «Оуверсиз пост оргенайзейшн» нашриёти томонидан чоп этилган «Ислом Каримов Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидан олиб бормоқда» номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди

Маросимни Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст очиб, йиғилганларга мазкур нашрда Ўзбекистоннинг беш йил ичида эришган ютуқлари ва унда Президент Ислом Каримовнинг хизматлари, шунингдек, юртбошимизнинг ҳаёт йўли акс эттирилгани ҳақида сўзлади.

Мазкур китоб инглиз тилида чоп этилган бўлиб, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Унда мустақил ватанимизни ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан яратилган беш тамойили, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган вақт ичида амалга оширган ишлари, унинг Ўзбекистондаги биринчи Президент ва етук сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти ёритилган. Китобни ўқиган киши Ислом Каримовнинг турли йилларда ва турфа давралардаги суратлари ҳамда гўзал юртимизнинг мафтункор манзаралари акс этган расмлар билан танишади.

Мазкур нашрда фақат Президент Ислом Каримовнинг ҳаёт йўлигина ёритилиб қолмаган. Уни ўқиган ҳар бир ўқувчи «Фақат фактлар» рукни остида берилган Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ҳақидаги маълумотлардан ҳам огоҳ бўлади. Бундан ташқари, бугунги Ўзбекистон беш йил аввалги Ўзбекистондан батамом фарқ қилиши, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганининг гувоҳи бўлади.

Юртбошимизнинг янги уйни қурмай туриб эскисини бузмаслик ақидасига амал қилган ҳолда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари мазкур китобда кенг ёритилган.

Тақдимот маросимида «Оуверсиз пост оргенайзейшн» нашриёти бошқарувчи директори Кемпен Деттманн сўзга чиқиб, мазкур нашрнинг яратилиши давримизнинг долзарб талаби эканини таъкидлади.

Бирор мамлакатни яхшироқ таниш учун унинг раҳбарини билиш керак. Ўзбекистон тараққиёти учун жуда катта ишларни амалга оширган ва ошираётган Ислом Каримовнинг хизматларини ва умуман Ўзбекистонни бутун дунёга янада яхшироқ танитишда мазкур китоб муҳим ўрин тутади, — деди К.Деттманн.

Тақдимот маросимида Германияда чоп этилган бу нашр фақатгина Ўзбекистоннинг биринчи Президенти портретига чизгилар бўлиб қолмай, балки буюк келажак сари интилаётган мустақил давлат ҳаётини ўзида ёрқин акс эттирган, хорижликларнинг юртимиз ҳақида билган маълумотларини янада бойитадиган асарлардан яна бири экани таъкидланди.

Маросимда Президент девони Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимов иштирок этди.

(ЎзА).

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ, БАРҚАРОРЛИГИМИЗ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛЛАРИ

Шу йил 10 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. У «Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби: таҳлиллар, хулосалар, қоидалар ҳамда вазифалар» мавзуига бағишланди. Фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Машғулотда партиядан республика Олий Мажлисига сайланган депутатлардан бир гуруҳи, Ўзбекистон ХДП МК, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт туман кенгашлари масъул ходимлари, партия марказий нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Қўнғироқ

«ОЛИМБОЙ» НИМА-Ю «СОТИМБОЙ» НИМА?

ёки бозорларимиздаги «антиқа» тарози тошлари ҳақида

Бозор атамаси ҳаёт тарзимизга тобора кенг кириб, ҳар икки кишининг бирови шу орқали тирикчилигини ўтказишга ўтган, интилаётган кезда бозорларни эгаллаб олган айрим инсофсиз олиб сотарлар антиқа қиликлар чиқазишяптики, булар кўпчиликнинг ғашига тегмоқда, норозилигига сабаб бўлмоқда. Айниқса, тарози ва тошлар масаласи. Бу ҳақда қизик-қизиқ ҳангомалар эшитамиз. Бир танишим ана шундай олибсотар кимсалар ҳатто тошларга ном қўйганини айтганида рости ишонқирамадим. «Биласанми, эрта тонгдан бозорга мева-чева, сабзавот келтирган деҳқонни пойлаб турадиган олибсотарларда икки хил тош бор. Деҳқондан олаётганда бирисида тортади, сотаётганда иккинчисида. Бирини, яъни оғирроғини «олимбой» дейди, иккинчи, сотадиганини «сотимбой» дейди. Бирови икки юз-уч юз грамм оғир келса, иккинчиси шу миқдор кам. Қарабсанки, ҳам энидан уради, ҳам бўйидан...»

Амакимнинг ҳақ гапи, танишимнинг ҳангомаси — бозорга боришга, тош-тарозилар мавзусини ўрганишга ундади.

Вилоят марказидаги «Деҳқон бозори», Уч юздан зиёд савдо ўрнига эга. Аммо, бозор ихтиёрида атиги 161 дона тарози бор. Тош ҳам кам. Шу боисдан, бозорқўм раиси М.Саидовнинг эътирофича, сотувчиларни тартибга солиш учун муайян ишлар қилиняпти, янгитдан тош-тарозилар топиш масаласи ечилмоқда. Аммо, барчани назорат қилиш имкони йўқ. Чунки, кўпчилик ўз тош-тарозисида келади, унинг андозага тўғри келиш-келмаслигини ҳар доим аниқлаб, чора кўриш қийин.

Сертификациялаш ва стандартлаш метрология Хоразм вилоят ҳудудий маркази май ойи бошларида бозорда ўтказган текширишларда шахсий тош-тарозиси билан савдо қилаётган 18 сотувчидан ўн тўрттасининг тарозиси ва 32 дона тош носозлиги аниқланган. Инсофини йўқотган А.Ражабов деган сотувчига 600 сўм миқдорида жарима солинган.

«Тош-тарози етарли бўлса, ишимиз енгил кўчарди, — дейди бозорқўм раиси. — Барчани таъминлардик. Қолаверса, ҳеч ким норози бўлмасди...»

Ҳазораспдаги «Кийим-кечак бозори» бутун воҳада машҳур. Бу ерга қўшни давлатлар, вилоятлардан ҳам ташриф буюришади. Аслида, фақат саноат маҳсулотлари учун мўлжалланган бозор ёнида ўз-ўзидан мева, сабзавот бозорчалари ҳам пайдо бўлди. Бозорга сотиш-харид қилиш учун келган кишини «Бошқа жойга бор, бу ерда фақат кийим-кечак сотилади! деб ҳайдаб чиқара олмайсан. Қайтанга харидорларга қулай. Барча юмушини, рўзғор керак-кетигини бир жойда битказади, иши осон кечади.

Бозор маъмурияти сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш учун махсус бозор расталари, темир конструкцияли ёпиқ бостирмалар қуриш тараддудида. Бунинг учун маблағ топилган, қурилиш бошлаб юборилган...

Лекин, бу ерда ҳам тош-тарози масаласи кун тартибига чиққан. Бозор мутасаддилари камида беш юзта тарози ва шунга етарли тошлар олиш ниятидалар. Лекин, қаердан?

«Хоразмбозорсавдо» уюшмасида бўлдик. Вилоятдаги ўн бешта деҳқон бозорлари бошини қовуштирадиган янги уюшма ташкил қилинганига бир ойча бўлди, холос. Уюшма раиси У.Мадаминов гапнинг пўсткалласини айтади: «Ҳозирча ёлғиз ўзим ишни ташкил қилиш учун елиб-югураяпман. Устав жамғармасига белгиланган пул тушганича йўқ. Барча бозорларда ўтган фурсатда икки-уч мартадан бўлдим, ишлари билан танишдим. Тош-тарози бўйича муаммоларини ўргандим. Бу масалани «Гостстандарт» билан бирга ҳал қиламиз. Қисқа фурсатларда...»

«Гостстандарт», яъни сертификациялаш ва стандатрлаш метрология вилоят ҳудудий маркази директори Комилжон Отажонов олдимизга бир неча дона тошларни қўяди: «Булар вилоятнинг ўзида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинган тошларнинг нусхалари. Лекин, ҳозирча бирортаси ҳам кўрикдан ўта олмади. Давлат стандартларига мос келмаяпти. Гарчи, бу менинг хизмат ваколатимга кирмасада, бозорларни тош билан таъминлаш учун қўлимдан келганича ёрдам бераяпман. Урганч таъмирлаш заводи билан гаплашдик. Бир цех очиб, туркум тошлар ясашга сўз беришди... Тошкентда ишлаб чиқарилаётган тошлар эса қимматлигидан мутасаддиларга маъқул келмаяпти. Бир комплекти 850—900 сўм атрофида. Воҳага келгунча янада қимматлашади. Бизда ишлаб чиқарилса икки ҳисса арзонга тушади...»

Бозорларни тош билан таъминлаш масаласида озми-кўп ҳаракатлар қилинган. Инкор қилмаймиз. Дружбадаги автомобиль заводи ва Янгибозор «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятларида тош тайёрлашга киришилди, лекин, стандарт талаблари бузилганидан бу иш тўхатилди. «Эталон» заводида ишлаб чиқарилаётган тошлар бугунги кун талаб истакларини тўла қондиримайди. Сўнгги беш йилда вилоятдаги бирорта бозорга тош тарози олинмагани сабаби шулар.

Комилжон ака ўз ташкилотининг назорат-текшириш якунларига доир ҳужжатларни кўрсатади. Текширишлар давомида Қўшкўпир тумани «Деҳқон бозори»даги мавжуд 40та стол тарозисидан тенг ярмиси, 120 дона тошдан 80 донаси яроқсизлиги аниқланган. Гурлан «Деҳқон бозори»да ҳам аҳвол худди шундай. Янгиариқ «Деҳқон бозори»даги 67 та тарозидан олтитаси, 93 дона тошдан 30 донаси давлат стандартларига жавоб бермайди. Ҳонқа тумани бозорида ҳам аҳвол шу. Умуман, ўн бешта бозордан бирортасида ҳам бу борада ишлар талабларга жавоб бера олади деб айтиш қийин.

«Биз текшириш натижаларига кўра масъул кишиларга, сотувчиларга тош — тарозилари яроқсизлиги учун жарима соламиз. Лекин, бу билан ишни ўнглаб бўлмайди. Бозорлар кўп, сотувчилар сон минг. Қайси бирисини ҳар куни тўла назорат қиласан. Тош-тарози етишмагандан сўнг...»

Энг содда, оддий усулда тайёрланиши мумкин бўлган тошларни ким, қаерда, қандай қилиб, қанча миқдорда ишлаб чиқиши масаласи ортга сурилиши — кунда-шунда бозор «эгалари»га қўл келаверади.

Бинобарин, биз муштдек тош масаласи устида бош қотириб, улкан миқёсдаги муаммо ясаб ўтиришдан, буни республика матбуотига олиб чиқишдан уялмаймиз. Унутмайликки, ривожланган давлатларда аллақачонлар электрон тарозилар муомалага киритилган, биз етиша олмаётган тош-тарози аллақачон алмисоқдан қолган деб баҳоланади....

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муҳаррир минбари

МУСТАҚИЛЛИК ИШИ ВИЖДОН ИШИДИР

Давр қарашларга ҳам, нуқтаи назарларга ҳам таҳрир киритади. Лекин барибир дунёни инсон ўзгартиради. Дунёни ўзгартираётган инсоннинг маърифатли, маънан комил бўлиши ўзгаришларнинг ҳам маърифатли, баркамоллик сингари ёруғ сифатлар касб этишига асос бўлади. Дунё ҳамиша ўзгаришларга муҳтож, жамият ҳамиша янгиликларга эҳтиёж сезади. Жамият ривожланишининг, ижтимоий тараққиётнинг марказида миллатнинг илмли, зиёли фарзандлари туради. Жамият тамаддунини миллат ва юрт равнақи учун меҳнат қилишдан роҳат топадиган мутахассислар таъминлайди. Бундай етук мутахассислар, халқ таъбири билан ифодаланганда, юртнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади.

Кўпинча мамлакатни битта рўзғор, битта оилага таққослайдилар. Шундай экан, ҳар бир ота-она аждод-авлодларнинг нуфузини сақлашни, оиланинг фаровон келажагини ўйлаб, ўғил-қизларига замонавий таълим-тарбия беришга, уларни мавқеи баланд билим юртларида ўқитишга тиришади. Чунки ҳар бир шахснинг етук мутахассис бўлиб етишишини шиддат билан тараққий этиб бораётган замон, мустақилликни мустаҳкамлаш зарурати талаб этади. Оила учун ҳам, ота-она учун ҳам, қолаверса, давлат ва миллат учун ҳам илмнинг энг сўнгги кашфиётларидан, замонавий техника ва технологиядан бохабар мутахассислар керак. Қўл учида, хўжакўрсин учун ишлайдиганлар бугунги даврнинг одамлари эмас. Ундай киши ҳатто ўзлигини, «мен»ини ҳам намоён этолмайди.

Ватанимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар — мустақилликка нима берди, деган мезон билан қараш лозим деган қоида тўғри. Бундай мезон ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда шаклланганми? Воқеаларга, ўзгариш ва янгиланишларга шундай юксак мезонларда баҳо бериш ўлчови ҳар биримизни имтиҳондан ўтказа бошласа...

Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги имтиҳондан, мустақиллик олдидаги синовлардан ўта оламизми?

Ватанимизнинг мустақиллиги шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил ижтимоий қарашлар, нуқтаи назарларнинг маҳсули сифатида юзага келган ижтимоий ҳодисадир. Мустақиллик ўзгаришлари қарорлар ва нуқтаи назарларнинг ҳам юксалиб, янгиланиб боришни тақозо қилади. Гарчи улардан хизмат вазифаси ва бурчи тақозоси сифатида талаб этилса-да, ана шу юксалишлардан, янгиланишлардан ортда қолаётган, мамлакат ва жаҳон миқёсидаги ўзгаришлар билан баробар одимлай олмаётганлар тараққиётимиз йўлида ғов бўлаётганлардир. Уларнинг эски замон кишиси, боқимандалик кайфиятидагилар, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилидаги кишилар сингари бир қанча тойфалари бор. Тараққиётимиз суръати, хоҳлаймизми-йўқми, уларни четга суриб қўймоқда. Уларни эски тузум иллатларидан бутунлай қутила олмаганлар, дея аташимиз мумкин. Бугунги кунда мустақил давлатимиз етук мутахассислар, ўз иш соҳасининг моҳир устаси бўлган ёш кадрларга эҳтиёж сезмоқда.

Бугуннинг мутахассислари, кадрлари қандай бўлиши керак? Аввало, фақат бир ташкилот, бир жамоа доирасида эмас, мамлакат-давлат даражасида, миллат миқёсида фикрлайдиган бўлиши зарур эмасми? Мустақиллик ишини виждон иши, дея билиши, ўз хатти-ҳаракатлари ва меҳнатига жаҳон андозаларидан баҳо бериш малакасини ўзлаштирган бўлиши керак эмасми? Босиб ўтилган йўлдан тўғри хулоса чиқара билиши, истиқболни аниқ-равшан тасаввур этиши, ўз соҳасида таҳлил этиш салоҳиятига эга бўлиши лозим эмасми? Албатта, бугунги давр мутахассисларида, бугунги замон кадрларида ана шу хусусиятларнинг барчаси ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Маълумки, бизда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Президент Ислом Каримов мазкур масала юзасидан шундай деди: «Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади».

Юртбошимизнинг мазкур анжумандаги маърузасини ўрганар эканман, шундай фикрлар хаёлимдан кечди. Кадрлар тайёрлаш масаласи бир-икки йилда ҳал бўладиган осон иш эмас. Етук кадрларнинг бир авлодини вояга етказиш учун ҳам қанча устоз-педагогларнинг фидойи меҳнати, дарслигу қўлланмалар зарур бўлади. Бундай бир авлодни тарбиялаш учун илмий асосланган бутун бошли бир тизим ишлаб чиқилиши лозим. Бу, албатта, биринчи навбатда таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Боғча ёшидаёқ бола дунёни бутун муносабатлари билан ҳис этишга улгуради. Мактаб ёшида эса идрок этади. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари ва уларга тенгдош бўлган бошқа ҳар хил таълим масканларида таҳсил олаётган ёш йигит-қизларда ҳис ва идрок этилган дунёни ўзидан ташқарига ифода этишга интилиш кучли бўлади. Тайёрланаётган миллий дастурда ана шу хусусиятлар ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасидаги масалага айланди. Чунки иқтидорли, лаёқатли кадрларни келажакда Ватанимизни жаҳон осмонига олиб чиқувчи шиддатли лочинларга ўхшатиш мумкин. Худди шундай пешонаси ярқироқ бўлган кадрларимиз чет эл дорилфунунларида таҳсил олиб, меҳнат мактабларида тобланмоқдалар. Ҳаммамизга яхши маълумки, иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз тараққиётида катта ўсишга муяссар бўлган Осиё давлатлари асосан ўз мутахассислари, миллий кадрларини билимдон қилиб тайёрлаш туфайли шундай даражага эришган.

Бугунги куннинг вазифалари улуғвор, залворли вазифалардир. Эртанги куннинг вазифалари эса бундан ҳам масъулиятлироқ бўлади. Бу вазифаларнинг тўғри ечим топиши ҳар жиҳатдан етилиб келаётган кадрларга боғлиқ. Шубҳа йўқки, мустақиллик иши мутахассис кадрларимизнинг виждон ишига айланади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ИШСИЗЛИК КАМАЙДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг сўзларига қараганда мамлакатда ишсизлик даражаси анча пасайиб 4,8 фоизга етди. Бу кейинги 24 йил ичида Америка иқтисодиёти энг юқори кўрсаткичга эришганлигидан далолат беради. АҚШда кейинги тўрт йил ичида 138 минг ишчи ўрни яратилди. Билл Клинтон Президентлик лавозимига сайланганидан сўнг эса 12,3 миллион янги ишчи ўринлари вужудга келди. Шу боис ишсизлик миқдори қарийб уч йилдан бери 6 фоиздан қамроқни ташкил этаётир.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг саммити арафасида Амстердамдаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари хавфсизлик чораларини кўрмоқдалар. Бу анжуман Нидерландия пойтахтида яқин кунларда бўлиб ўтади. Юзлаб жанговар сузувчилар Амстердамнинг кўплаб каналларини текшириб чиқмоқдалар. Уларнинг нияти сув манбаларини портловчи моддалардан тозалашдир.

ЭСКИ ХАТОЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

Толиблар Шимолий Афғонистонда тор-мор этилгандан сўнг вазият бу мамлакат учун анъанавий бўлган нуқтага қайтди. «Шимол» ва «Жануб» ўртасидаги таъсир доираси бўлиниб кетди. 18 йиллик фуқаролар урушига барҳам бериши мумкин бўлган Мозори Шарифдаги тинчлик музокараларининг барбод бўлишига Жанубий пуштун ва Покистон дипломатлари айбдордир. Айни пайтда Исломобод билан Қандаҳор эски хатоларни тузатишга ва музокаралар жараёнини давом эттиришга ҳаракат қилишаётир.

Партия оталиққа олади

ҚЎШҚЎРҒОНЛИК ЖИГАРБАНДЛАР

Оилада фарзанд дунёга келган кун ҳар бир ота-онанинг қувончи ўзига сиғмайди. Тоғдек суянчиқ пайдо бўлганидан қувонади.

Ҳакима опага ҳам шундай қувончли дақиқалар насиб этди. Ўғил кўрди. Унга яхши ниятлар билан Бахтиёр, деб ном қўйишди. Онаизор уни ардоқлади. Лекин Бахтиёр гўдаклик чоғидаёқ дардга чалинди. Юрмай қолди. Ота-она уни қаратмаган жойи қолмади. Докторлар, табибларга кўрсатишни канда қилишмади. Лекин фойдаси бўлмади. Охири қолган фарзандларининг саломатлигини тилаб, тақдирга тан бердилар. Орадан йиллар ўтди. Кутилмаганда аканинг ёнида ётиб, унга қараб юрган Қобилжон ҳам худди шундай дардга мубтало бўлди. Мана шунга ҳам 33 йил тўлди. 33 йилдирки бу хонадонда умид билан армон ёнма-ён яшайди.

Болаларда ирода кучли экан. Биз ногиронмиз, деб бекор ўтиришгани йўқ. Бахтиёр радио-телевизор, оёқкийим, дейсизми, ҳаммасини тузатади. Қўшиқчи шоирларга шеърлар ёзиб беради. Гоҳида куйларини ўзи басталайди.

Қобилжон ҳам ажойиб йигит. Опа-укаларининг ёрдамида қишлоқда кичкина дўконча очиб, савдо-сотиқ билан шуғулланаяпти. Ҳа, бу йигитларнинг кўзларида мунг бўлгани билан, юракларида ўт бор, эзгулик бор!

Ҳаракатга баракат деганларидек, улар «Ёшлик» фирмасида меҳнат қилмоқдалар. Тижоратдан тушган фойдани ўзларига ўхшаган 20 нафарга яқин ногиронлар билан баҳам кўрмоқдалар. Ўтган йили катта савобли ишга қўл урдилар. Шу тушган пуллар ҳисобига кўп йиллардан буён тўшакда, юролмай ётиб қолган шу қишлоқлик Муҳаббат опа Тошхўжаевага аравача олиб беришди. Улар опага, дунёда йўқ қувонч ва шодлик ҳадя этдилар.

Ака-укалар бу йил ҳам тиниб-тинчиб ўтиришмади. «Наврўз» байрами кунлари инсонларга саховат улашишни ўзларига ният қилиб қўйишди. Тижоратдан топилган даромад эвазига ногиронлардан Нишон Ҳакимов, Обида Исроилова, Муҳиддин Убайдуллаев, Муҳаббат Тошхўжаеванинг ҳар бирига 500 сўмдан озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия қилдилар, бу арзимас нарсалар билан уларнинг кўнгилларини кўтардилар. Уларнинг мақсади шахсий манфаат кўриш эмас, балки, ўзларига ўхшаган ногиронларга ёрдам беришдир.

Тўғри, унинг ҳақида ўйлайдиган ҳукумат, қолаверса ногиронлар жамияти бор. Улар берадиган ёрдамга кўз тикиб ўтиришни ўзларига эп билмайдилар. Чунки, атрофларидаги ногиронларни, уларнинг нимага қодирлиги-ю, нимага муҳтожлигини бошқаларга қараганда яхшироқ билишади. Ҳозирги кунда улар 2 тоннага яқин металл парчалари тўплаб қўйишди. Шу ҳам анча пул бўлади. Ундан ташқари, нон заводи билан шартнома тузишган, фақат дўконлари фаолиятини яхшилаш йўлларини излаяптилар.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда Холиқовлар хонадонидан одамлар аримайдиган бўлиб қолди. Олийҳиммат, меҳригиё инсонлар, ҳомийлар тез-тез бўлишиб, уларнинг қолидан хабар олиб туришади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, вилоят ва туман кенгашлари маъмурияти ҳам жасоратли ёшлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турадилар. Бахтиёрнинг бадиий ижод билан шуғулланишини ҳисобга олган ҳолда унга ёзув машинаси ҳадя этишди.

Қишлоқни кесиб ўтувчи асфальт йўл ёқасидаги хонадонда истиқомат қилаётган ака-ука Бахтиёр ва Қобилжон Холиқовлар билан хайрлашар эканмиз, уларнинг матонатига, иродасига тасаннолар айтдик.

Неъматилла ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

Мустақиллик юксалишлари

МАНФААТДОРЛИК БОР ЖОЙДА ЮТУҚ ҲАМ ТАЙИН

Носиржон Отахонов иқтисод фанлари доктори. Хўжаликка қаердан нима келяпти-ю қаерга қанча маблағ сарфланаётганлигини яхши билади. Тийинлардан сўмлар, сўмлардан эса ўн минг сўмлар яратишни ўрганиб олган. Шу боис ҳам у раҳбарлик қилаётган Наманган туманидаги «Олти қаҳрамон» жамоа хўжалигида иқтисодий аҳвол яхшиланиб бораётир. Оила пудрати асосида ишлаётган бу хўжалик миришкорлари ҳар соҳада ўсишга, ривожланишга эришмоқдалар.

Масалан, чорвачиликни олайлик. Бу ерда ҳар бир сигирдан йилига 3 минг литрдан сут соғиб олиняпти. Меҳнат унумдорлиги 6 фоизга ўсди. Энг муҳими, чорва молларининг наслини яхшилашга алоҳида эътибор берилаётир. Фермадаги қорамоллар ўз вақтида ветеринария қоидалари асосида парваришланмоқда. Янги туғилган бузоқлар алоҳида хоналарда боқилаётир.

Чорва маҳсулдорлигини оширишнинг яна бир омили сифатли озуқадир. Бу борада кейинга йилларда жиддий ўзгаришларга эришилди. Зеро, ёғ-мой корхоналаридан олинадиган шелуха ва кунжаранинг тобора камайиб кетганлиги хўжалик аъзоларидан бошқа имкониятларни қидириб топишни талаб этаётир. Шу боис ҳам, бу ерда озроқ ердан мўл ва сифатли озуқа тайёрлашга ҳаракат қилинаётир. Бунга эришилди ҳам. Хўжалик мана бир неча йилдирки, ўз эҳтиёжини қондириб бўлгандан сўнг миллионлаб сўмлик ем-хашакни қўшни хўжаликларга ҳам сотаётир.

Жамоа аъзоларининг бу борадаги тажрибалари тилга олса арзигулик. Ўтган йили раиснинг таклифи билан 35 гектар ерда озуқа етиштиришга қарор қилинди. Сентябрь ойининг охирларида шунча ерга анчагина маҳаллий ўғит ва суперфосфат солинди. Сўнгра перко, арпа, сули, нўхат, тритикале ўсимликларидан иборат беш хил уруғ аралашмаси сепилди ва қондириб суғорилди. Октябрнинг бошларида эса яна бир марта сув берилди. Шу йилнинг февраль ойи охирларида ҳар гектар ерга 400 кг., апрель ойининг биринчи ўн кунлигида эса 500 кг. ўғит сепиб, яна суғорилди. Натижа эса ёмон бўлгани йўқ. Ҳар гектар ердан 600 центнердан кўм-кўк озуқа олиш имконияти юзага келди. Ана шу озуқа қисқа муддатда ўриб олинди.

Айни пайтда фермадаги сигирлар маҳсулдорлиги тобора ошаётир. Бунинг устига минг тоннадан зиёд сенаж бостирилди. Ўриб олинган майдонлар тезда ҳайдалиб ўрнига чигит экилди. Қисқа муддатда яшил майсалар ҳосил бўлди.

Чорва маҳсулдорлигини яхшилаш учун яна бир иш қилиндики, бунга ҳам ҳавас қилса арзийди. Беш гектар ер ажратилиб, қизил сабзи экилди. Бу нимаси деб ўйларсиз? Сабзи қорамоллар учун атайлаб экилди. Чунки сабзида каротин моддаси кўп бўлиб, молларнинг насл бериш қобилиятини яхшилайди. Шу боис ҳам, ушбу кўкламда сигирлардан тўлиқ соғлом бузоқлар олинди.

Хўжаликда амалга оширилаётган яна бир тадбиркорлик борки, уни ҳам айтиб ўтиш зарур. Масалан, ўтган йили гектаридан 67 центнердан арпа ҳосили олинди. Унинг ўрнига эса тезда шоли экилди. Астойдил меҳнат қилингани туфайли кузда ҳар гектар майдондан 83 центнердан шоли ҳосили йиғиб терилди. Демак, бир гектар ердан 150 центнер дон ҳосили олинибди.

— Ҳозирги пайтда биз пахтачиликда ҳам яхши натижаларга эришишни мўлжаллаяпмиз, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Носиржон Отахонов. — Айниқса 250 гектар майдондаги плёнка остига эккан ғўзаларимиз яхши ривожланяпти. Июнь ойи бўлишига қарамай қийғос гулга кирди. Кузда мўл ва эртанги ҳосилдан умидимиз бор. Қолган 435 гектар ердаги одатдаги усулда экилган ниҳоллар ҳам яхши ривожланяпти. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, иқтисодиётимизнинг бақувватлашуви кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик тараққиётига боғлиқ. Буни хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси яхши билади. Бизда юксак агротехникага риоя этиш одат тусига кириб қолган. Энг катта омил эса деҳқон ва чорвадорларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишдир. Шу боис инсон манфаати учун кўпгина ишлар қилинаётир.

Жамоа аъзолари инсон манфаатлари йилини кўтаринки руҳда якунлаш учун ҳаракат қилишаётир. Бинобарин, йилнинг дастлабки ҳосили — пилла терими яхши якунланди. Японияда келтирилган ипак қурти уруғининг ҳар қутисидан 86 килограммдан ҳосил олинди. Давлатга 39 тонна қимматбаҳо хом ашё сотилди. 476 гектар майдондаги буғдой ўрими қизғин.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



Хоразмлик устоз электрчи Комил Аллаберганов шогирди Ўктам Садлаев билан.
Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛАНИБ

Юрт равнақи, одамлар кайфияти, ҳаёт завқи қўшиқларда ўз ифодасини топади. Республика анъанавий қўшиқ байрамига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани ҳам шундан. Бу тантанага Қорақалпоғистон шаҳар-қишлоқларида ҳам тараддуд катта. Ўзига хос саралаш баҳсларининг ғолиблари якунловчи кўрикда иштирок этишди. «Туғилган ер» қўшиғини мароқ билан ижро этган Хўжайлидаги 2-маданият уйи ходими Г.Семитуллаевага биринчи ўринни бериш лозим топилди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

Умидли дунё

ЎН УЧ ЙИЛ КУТИЛГАН БАХТ

Ҳаётда нималар бўлмайди? Гоҳида турмуш суқмоқларида учрайдиган ўткинчи қийинчиликларга бардошимиз етмай, юрагимизни кимга бўшатишни билмай қийнобимиз ошади. Эртанги келажак ёруғ кунларимиз тумон пардаси ортида ҳираланиб қолгандек бўлади.

Мунгли бу қисмат ҳаёлимдан ҳам кўтарилаётганди. Яна бир сабаб билан эсладим.

«Раҳмон ака фарзандли бўлибди!». Балки бу тақдирлар орасида ҳеч қандай ўхшашлик ҳам йўқдир. Қайдам, назаримда қандайдир боғлиқлик, кўз илғамас «умумийлик»ни шу тоблагина аниқроқ сезгандек бўлдим.

Йўл ҳамроҳи — суҳбатдош-да. Енимга тенгқур йигит ўтирганини кўриб ичимдан севиндим. «Ҳангомалашиб кетамиз. Вақт ўтганини ҳам сезмай қоласан киши». Лекин қўшним афтидан тунг йигитга ўхшарди. Жўнаш олдида пастда чиройли жувон, 5 яшарлик ўғилчасини етаклаб келиб қолди. Автобусимизга чиқмоқчи бўлиб хайловчи билан келиша бошлади. Чиптаси йўқ шекилли. Бирдан шеригимнинг кўзи уларга тушди. Сапчиб ўрнидан турди. Уларнинг олдига шошилиб тушиб кетди. Аёл негадир биз билан кетмайдиган бўлди шекилли. Бироз йигит билан гаплашган бўлди-ю, чиптахона томонга ўғилчасини судрагудек бўлиб тез-тез юриб кетди. Автобус жилиб кетгач ҳам то уларнинг қораси кўринмай қолгунча у ортига бурилиб, аламли нигоҳини узмади.

Салкам ярим йўлни босдик ҳамки у миқ этмасая. Тоза йўлиқтирган экан-да! Ўлбул сўраган киши бўлувдим, барибир гапимиз қовушмади. Зерикиб қолимга шеърий тўпламни олдим. Уқигим йўқ. Тўғри келган бетини шартта очиб тикилдим...

— Аёл қалби... Бардоши... Йигит очиқ турган китобдаги сатрларни ўқирди. — Қалби эмиш? Қалб борми уларда? — Бу гапни у менга айтдими ё ўзи-ўзигами англамадим.

Чуқур уф тортди, ёнидан сигарет чиқарди, қаердалиги ёдига тушдими «Э,жин урсин барини». Индамай қутдим. Сезиб турибман, юраги тошяпти. Ёрилади...

— Э, оғайни, сиз шу гапларга ишонасизми? — дабдурустдан таънали боқди менга. — Нима дейишимни билмай қолдим. — Ана, биттаси, — у боши билан ортда қолган болалик аёлга имо қилди шекилли. — Бардоши эмиш...

— Хотинингизни айтяпсизми? Ўғилчангиз билан қолган? — тушунмадим таънасини.

— Хотиним?! Ҳа... Бир вақтлар хотиним эди. Ўғли бўлса...

Йигит бошидан ўтганини ҳикоя қила бошлади. Сайёра билан синфдош эдик. Севиб турмуш қурдик. Беш йил кутдик-а, беш йил бола бўлишини?! Орада икки йил армияда хизмат қилиб келдим. Бинойидек яшардик. Мен сиқилган сари уям асабийлашадиган бўлди. Устига-устак онам нуқул «кўзимнинг очиқлигида...» деб қуйинарди. Онамнинг сал тергаб айтган гапиям Сайёрага оғир ботадиган бўп қолди. Бир куни арзимас жанжалдан хуноби ошиб қолди. Туни билан йиглаб чиқди. Асабларим таранг тортилиб, қандай қилиб шапалоқ тортганимни билмайман. «Бўлмаса, жавобимни беринг, кетаман... Ҳатто сиз ҳам турткиласангиз?» Аламимга чидай олмай «бердим жавобингни!» деб юбордим.

Йигитчилик, энди ортга йўл йўқ эди. Хотиним индамай эртасигаёқ қаршиликсиз уйига кетиб қолди. Мен ҳам бормадим. Қишлоқда гап тарқалди: «Сайёра эридан ажраб шаҳарга ўқишга кетаётганмиш...» Атайлаб бормадим. Шу-шу орамиз «очиқ» бўп кетди. Ҳаммадан аламлиси бир йил ўтмаёқ «турмушга чиққанмиш, иккиқатмиш...» деган гапларни эшитдим. Шу орада эри билан қишлоққа кеп қолди. Йўлини пойладим. «Шунинг учун ажрашайлик деган экансан-да!» У юзларимга тикилиб турди. «Йўқ, барибир тушунмабсиз, энди барибир фойдаси йўқ. Ортга йўл йўқ. Шунисига минг қатла шукр, эшитяпсизми, юзим ёруғ бўлди... Сизгаям шундай кун насиб этсин...»

Негадир ҳунграб йиглаб бурилиб кетди. Ортидан бориб мажбурлаб тўхтатдим: «Мени севаман деган ваъдаларинг қани?! «Барибир сизни севаман. Лекин у боламнинг отаси... Ўшанинг учун уни дедим...»

Мен эса ҳалиям севаман. Оилам совиган ошдек. Орадан ўн йил ўтди. Сайёра айтган кун ҳам келди. Худо берса ҳадемай болалик буламиз. Барибир... армон... Агар Сайёра сабр қилганида ўша ўғилчасига мен ота бўлардимку?! Қани бардош? Қани вафо, садоқат? Эҳ, юрагим тарс ёрилай дейди... Уни кўргач анча вақтгача шу алфозда юраман...

Йигитнинг мунгли ҳикояси шу эди. «Тўғри қилибсизлар. Умрни беҳудага ўтказишнинг нима кераги бор?» Шундай ўй ўтувди кўнглимдан. Фақат буни йигитга айтмадим.

Бундайлар кўп ҳаётда. Лекин Раҳмон акага ўхшаганлар ҳам бор-да. Сурхондарёлик Раҳмон Эшонқуловни кўпдан буён биламан. Ҳалол, покиза инсон. Суяги меҳнатда қотган. Чорвани, деҳқончиликни кўп тушунади. Бу ҳаммамизгаям хосдир. Лекин мени унинг алоҳида бир булакча фазилати — бардоши кўпроқ қизиқтирарди. Илгариларнам кўришиб турардик. Кўрган ҳамоно уйдагилар, қариндош-уруғларни сўрардим. Баъзан, «бола-чақалар», деган сўзниям айтиб юборардим. Сўнг тилимни тишлаб, мулзам тортиб қолардим. Кулиб туриб: «Раҳмат!» деб қўйса-да, билардим, унинг кўзларида мунглик бор эди. Ҳазил-мутойиба билан суҳбатимизни мухтасар қилиб хайрлашардик.

Улар ўн уч йил фарзанд кутишди. Қувончли кунлар келишини интизорлик билан кутгандир. Бизга ўн уч йил кўп вақтдек туюлмас. Лекин ҳар тунни кимнингдир хонадонидан боланинг безовталанган йиғиси ёки аёл алласини эшитиб ётишнинг ўзи руҳий бир азоб, албатта. Бу гаплар айтишгагина осондек. Барибир яхшиликни кутиб, умид билан яшаш яхши-да. Қанча сувлар оқди. Турмуш ўртоғи Мунаввархон билан ҳеч сан-манга боришганини эшитмаганман.

... Яқинда қишлоққа йўлим тушди. Қувончли хабарни эшитдим. Раҳмон ака ўғиллик бўлибди! Ўша кунисқ Раҳмон акани йўқлаб бордим. Топиб «Илоё умри билан берган бўлсин!» деб дуога қўл очдик. Сўзсиз, шодлигининг чеки йўқ. «Келинг, бир ўтиришамиз» деб қолди қўлимни сиқиб.

— Йўқ, дедим, — Худо хоҳласа ҳаммамиз жамлашиб келамиз — ўғил туйига!» Белни маҳкам боғлаб хизмат қилишга ваъда бердим. Аслида бу ваъда эмас, кўнглимнинг тубидаги яхши ният.

Яна йўлга чиқдим. Ҳаёлимда ўша юрагида армон тула йигит гавдалангандек бўлди. «Умид билан яшаш яхшида!» Раҳмон аканинг сўзларини эсладим. «Ҳа!»

Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Ахир Раҳмон акадек олижаноб одамлардаги сабр ҳар биримизнинг кўнглимизда яшагани ундан ҳам яхши-да...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ

Мен Хоразм вилоят Гурлан туман «Зарбдор» жамоа хўжалигига пудратчи бўлиб ишга кирдим. Сўнг «Зарбдор» жамоа хўжалиги бошқаруви раисига ва «Олға» қишлоқ фуқаролар йиғини раисига иморат қуришим учун ер ажратишларини сўраб ариза берган эдим. Улар қарор чиқариб бердилар. Гурлан туман архитектураси жой чизмаларини, барча қарорларни, жой ўринга тўлаган квитанцияларимни ҳужжат қилиб берди. Менга берилган ер участкасига қумтупроқ тўктирдим. Аммо сўнгги ишларим барчаси бефойда кетди. Сабаби: менга жой берилганлигини билган «Ўзбекистон» савдо маркази директори Қўчқоров Шериммат унинг хотини Ўразметова Тўхтабикалар жой солишимга тўсқинлик қилиб келдилар. Бундан ташқари Кўчқоров Шеримматнинг акасини болалари Қўчқоров Алишер ва Хушнудлар даъвогар бўлиб чиқдилар. Бу ака-укалар дастидан нажот излаб бормаган эшигим қолмади.

Шундай қилиб жуда катта тўсиқларга учрадим. Мен учун олдинига барча эшиклар умрбод очилмайдиган бўлиб қолди. Вилоят ҳокимига бу тўғрида ариза ёзсам Хоразм вилоят ҳокимлиги котибияти давлат-ҳуқуқ бўлими мудири ҳеч қандай асосга эга бўлмасдан, ҳужжатларимни кўрмасдан, ўқимасдан, менга берилган ер участкани фармойиш ёздириб, бекор қилди.

Кейин даъво аризаси билан Гурлан туман судига чиқдим. Улар ишимни ҳал қилиб беришди. Барака топишсин. Гурлан туман судяси Илҳомбой Тўраевга, Урганч туман судяси Ҳасанбой Сапаев, Гурлан туман прокурори Сапарбой Абдуллаевга ва вилоят суди раиси С.Бердиқиличевга катта раҳматлар айтаман. Шундай инсонлар бўлса ҳамиша адолат қарор топишига ишонаман.

Солия САПАЕВА.
Хоразм вилояти.

«ЧОРШАНБЕ» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Қишлоғимиз аҳолиси 3-4 йилдан буён табиий газ бўлмаганилиги сабабли ниҳоятда қийналмоқда. Илгарилари овқат, нон, ҳатто уйни иситишда ҳам ғўзапоядан фойдаланардик. Эндиликда ғўзапоя йўқ. Идишда (баллонли) олиб келинадиган газнинг 20 кг. нархи 400 сўм туради. У ҳам 3-4 ойда бир марта келади. Олган олиб қолади, олмаган йўқ. Бир тонна кўмир 6-7 минг сўм туради, деб эшитганмизу ўзи йўқ. Қишлоқнинг ўртасида жойлашган марказий шифохонада ҳам газ бор. Қишлоқ атрофидаги Улуғбек, У.Иброгимов ва П.Шербобоев номли жамоа хўжаликлари газлашган бўлиб, Чоршанбени ўйлайдиган одам топилмаяпти. Газ магистрали эса қишлоғимиз ҳудудидан бошқа хўжаликларга ўтган. Бизга ёрдам беринглар, деб икки марта туман ва вилоят раҳбарларига ёрдам сўраб бордик. Лекин натижа бўлмади.

Бизга ёрдам берасизлар, деган умид билан:

Холтўра РАҲИМОВ.
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоғи.

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДАМИЗ

Ғазалкент шаҳридаги Шифокорлар кўчаси 14-уйда яшаймиз. Уйимиз эски типдаги икки қаватли бино. Уч нафар фарзандим билан шу уйда истиқомат қилиб келяпмиз. Уйимиз ниҳоятда қаровсиз аҳволда. Деворлари нураб, ёғоч зинапоялар чириб, тўкилай деб турибди. Зинапоялардан юрак ҳовучлаб чиқиб-тушамиз. Санитария ҳолатини-ку айтмаса ҳам бўлади. «Том босиб тушмасайди» деган ҳадик билан яшаймиз.

Икки йил аввал шу уйда истиқомат қилувчилар уйимизни хусусийлаштириб, ўз ҳисобимиздан таъмирламоқчи бўлдик. Лекин раҳбарлар рухсат беришмади. Ёрдам сўрасак: «Бу уй ҳеч кимнинг балансида йўқ» дея на таъмирлаш ҳақидаги шикоятимизни инобатга олишади, на бирор аниқ чора-тадбир белгилашади. Қачонгача аросатда қолиб яшарканмиз?

Гулнора КЎЧКИНОВА,
Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 14-уй.

АХЛАТ ЧЕЛАК БЎЛМАГАЧ...

Яқинда оиламиз билан Муқимий номли театрга бордик. Театрга ярим соат олдин бориб қолибмиз. Эрмак учун музқаймоқ олдик. Театр ташқарисида албатта.

Музқаймоқни еб бўлгандан сўнг қани энди ахлат челак топилса. Охири мен қоғозларни йиғдимда, «энди бир пана жойга ташлайманда» деб театрнинг орқасига ўтиб қарасам, не кўз билан кўрайки, музқаймоқ қоғозлари уюлиб ётибди. Одамлар ахлат челак топишолмагач, шу ерга ташлайверишганда, ахир.

Яқинда ойнаи жаҳонда японлар ишлаб чиқарган ахлат йиғувчи машинани кўрсатишди. Ўзи ихчамгина экан, секин юриб кетаётган йўлида ерда ётган майда-чуйда нарсаларни, яъни сигарет қолдиқлари, қоғозларни йиғиб кетяпти.

Тўғри, бизда ҳам шундай машина ўйлаб топишсин демоқчи эмасман, бор-йўғи кўчаларимизда ахлат челаклари кўпроқ бўлса, балки ерда сигарет қолдиқлари ва ҳар хил қоғозларни учратмасмидик?

Дилором ДАВРОН қизи.
Тошкент шаҳри.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Саида ЙЎЛДОШЕВА саралади.

ТИНЧЛИК ПОЙДЕВОРИ – ОДИЛ СИЁСАТ

Ўзбекистон ва жаҳон

Давлатимизнинг барқарор тинчлик сиёсати тобора жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентлараро алоқалар қўмитасининг аҳамияти каттадир. Қўмита раиси ўринбосари депутат Иброҳимжон ЮСУПОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Иброҳимжон Юсупович, аввало Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқаро миқёсдаги парламентлараро алоқалари қандай шаклланди?

— Республикамиз Президенти Ислом Каримов, биз учун мустақил миллий давлатчиликни қарор топтиришда иқтисодий тараққиётимизни Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари билан қиёслаш даври ўтди, эндиликда биз мамлакатимиз тараққиётини ҳар томонлама ривожланган мамлакатлар билан қиёслашимиз даркор, деган эдилар.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси дастлаб жаҳоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан тараққий этган етакчи мамлакатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан мустаҳкам алоқаларини ўрнатди. Чунки, ҳуқуқий-демократик давлат қуришни мақсад қилиб олган, келажаги буюк бўлган Ватанимиз учун илғор мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш муҳимдир. Шу аснода хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилоти ишига бўлган қизиқиш ҳам ортиб боряпти.

Ўзбекистон парламенти бугунги кунда АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония, Корея, Индонезия, Латвия, Литва, Грузия сингари юзлаб давлатларнинг парламентлари билан яхши ҳамкорлик олиб боряпти. Зеро, Ўзбекистон Олий Мажлиси 1992 йил октябридан парламентлараро иттифоққа, 1993 йил январидан Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) парламенти ассамблеясига аъзодир. Шунингдек, Европа парламенти (Европа Иттифоқининг нуфузли органи) билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлар тузилиб, яхши муносабатлар ўрнатилган. Бу эса мамлакатимизнинг ҳамжамият сари интеграциялашув йўлида парламентлараро алоқаларнинг муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолатдир. Яқинда Европа парламентининг Марказий Осиё ва Монголия парламентлари билан ҳамкорликда ишлаш гуруҳи раиси Фелипе Камисон Асенсио раҳбарлигида юртимизга ташриф буюрган делегация, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз ва Олий Мажлис фаолияти билан яқиндан танишди. Делегация раҳбари журналистлар билан бўлган суҳбатда ўз таассуротларини айтиб: «Мамлакатингизда демократик жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонга келмасимдан аввал мутлақо бошқача тасаввурда эдим, юртингизни ўз кўзим билан кўриб, халқингиз орасида бўлиб, улар билан мулоқот қилиб, тасаввурим буткул ўзгарди», — деди.

— Маълумки, 1992 йилда МДҲ парламент ассамблеяси тузилди ва МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг парламентлари ассамблеяга ҳам аъзо бўлиб киришди. Лекин Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзо эмас. Бунинг сабаби нимада?

— Саволингиз ўринли. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон, Украина, Туркманистон ва Молдова давлатларининг парламентлари МДҲ парламент ассамблеясига аъзо эмас.

Давлатимиз сиёсатига кўра энг аввало, ҳар тарафлама тараққий этган мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, қолаверса, биз сиёсий манфаатдорликни эмас, иқтисодий манфаатдорликни асосий мақсад деб билган мамлакатлар билан ҳар тарафлама муносабатларни ривожлантиришимиз лозим.

— Ўзбекистон парламенти 1992 йилдан аъзо бўлган парламентлараро иттифоқнинг 10-14 апрель кунлари Сеулда 97-конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон парламент делегацияси ҳам ушбу конференция ишида иштирок этди. Ушбу анжуман парламентимиз иш фаолиятида қандай из қолдирди?

— Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, депутат Дилбар Ғуломова раҳбарлигидаги бир гуруҳ делегация қатнашди. Конференция юзасидан сўз юритишдан аввал парламентлараро иттифоқ тўғрисида икки оғиз гапириб ўтсак.

Парламентлараро иттифоқ 1889 йили бир неча давлатларнинг пацифист-депутатлар томонидан халқаро ва минтақавий келишмовчиликларни арбитраж йўли билан ҳал қилиш мақсадида тузилган. Бугунги кунда 138 та мустақил давлат парламентлари ушбу халқаро ташкилотга аъзо. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси эса 1992 йил сентябридан аъзодир.

Конференция ишида 135 давлат парламентларидан 1400 дан зиёд вакил қатнашди.

— Анжуман кун тартибида қандай масала кўрилди?

— Конференция кун тартибига жаҳондаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатлар юзасидан мунозаралар юритиш, мустақил давлатлар суверенитетининг барча кўринишларини ҳурмат қилиш, барча регионларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида ҳамкорлик қилиш ва бошқа масалалар киритилган эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Марказий Осиёни ядровий қуролларсиз минтақага айлантирамиз деган ташаббусларини инглиз тилига таржима қилиб, Кореянинг энг нуфузли газеталаридан бири бўлган «The Korea times» «Ядро қуролларисиз минтақани яратиш ядровий қирғиннинг олдини олиш демакдир» номли сарлавҳада бош мақола эълон қилди. Президентимиз ташаббусларига, газетанинг шу сонида бир неча давлат вакилларининг муносабатлари ҳам эълон қилинди.

Жумладан, Корея, Қозоғистон, Руминия, Словакия, Нидерландия ва бошқа давлатларнинг вакиллари ўз муносабатларида Президентимиз ташаббусига юқори баҳо бердилар ва Парламент иштирокчиларини ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Олий Мажлис делегацияси конференция даврида кўпгина парламент делегациялари билан учрашдилар. Улар ўзаро алоқаларни янада фаоллаштиришга ва конференцияда кўтарилган муаммоларни ечиш учун биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, биз бу халқаро анжумандан бой таассурот олдик. Жаҳондаги етакчи давлат парламентларининг тажрибаси билан ҳам танишдик. Яна бир қувончли томони, қайси давлат вакиллари билан мулоқотда бўлмайлик, улар Ўзбекистон ҳақидаги яхши тасаввурлари, давлатимизнинг одилона сиёсатини қўллаб-қувватлашларининг шоҳиди бўлдик. Чунки, тинчлик пойдевори одилона сиёсатдир. Зотан, Ўзбекистон ўзининг барқарор тинчлик сиёсати билан дунёга танилянпти. Ўз навбатида дунёни танимоқда.

Суҳбатдош:
Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Кеча Токиода Россия ҳукумати бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов ва Япония ташқи ишлар вазири Юхихико Икэда раислигида Россия-Япония ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Бунда иқтисодий масалалар кўриб чиқилди. Борис Немцов Япония ишбилармонларини Россия иқтисодиётига кўпроқ ёрдам беришга чақирди. Уларни кафолатсиз маблағ ёрдамлари беришга таклиф қилди. Комсомольск-Амур шаҳрида «Мицуи» концерни иштирокида нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш йирик лойиҳалардан бири бўлиши мумкин.

* * *

Абхазия Республикаси раҳбари Владислав Ардзинба «Москва садоси» радиостанциясида тўғридан-тўғри чиқиш қилди. У Россия тинчликни сақлаш кучлари Грузия-Абхазия келишмовчилиги юз берган жойлардаги фаолиятини давом эттириши учун барча асослар бор, деди. Бинобарин, ушбу ҳудудда яна қуролли тўқнашувлар юз бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида Абхазияга ҳам, Грузияга ҳам, Россияга ҳам мақбул эмас. Унинг сўзларига қараганда, Грузия раҳбариятининг тинчликни сақловчи кучлар ўз вазифасини астойдил бажармаяпти, деган гапи ҳақиқатга тўғри келмайди.

* * *

Мухолиф «Фианна файл» партияси раҳбари Берти Эхерн Ирландия Республикасининг янги бош вазири сифатида фаолият кўрсатади. Бу Ирландияда бўлиб ўтган умумий парламент сайловларининг натижалари икки кечаю икки кундуз давомида ҳисоб-китоб қилингандан сўнг маълум бўлди. «Фианна файл» партияси парламентдаги 166 ўриндан 77 тасини эгаллади. Унинг номзодлари учун 39,3 фоиз овоз берилди. Янги раҳбар ҳукуматнинг энг муҳим вазифаларидан бири — Шимолий Ирландиядаги вазиятни тезроқ юмшатишдир, деди.

* * *

Санкт-Петербург шаҳрида Европа кенгашининг парламент ассамблеяси ва МДҲ давлатлари парламентлараро ассамблеяси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартнома имзоланди.

* * *

Украина ҳукумати қарорига биноан Қора денгиз кимёвий қуроллардан тозалана бошланди.

Украина оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, 1942 йили собиқ қизил армия аскарлари Севастополни ташлаб чиқиб кетар экан, ўша пайтда мавжуд кимёвий қуролларни Қора денгизга чўктирган экан.

ПАРИЖДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Шу ойда Европанинг марказий шаҳарларидан бири — Парижда қадимий Бухоро ва Хеванинг ҳунармандчилиги намуналари кўргазмаси очилади. Хева ҳунармандчилиги мактаби намояндалари кўргазмада 70 дан ортиқ экспонатлар билан қатнашишга тараддуд кўрди.

«Хуммузтепа» харобаларидан топилган, эрамиздан аввалги IV ва V асрларга оид Анахита тангриси акс эттирилган идиш, эрамиздан олдинги 1 асрда ясалган сувдон, Хазорасп қалъасидан топилган қадимги хум, IX асрда ясалган шер тасвирли кўза ва бошқа кулолчилик намуналари бугунги кунда Хеванинг Ичон қалъа кўриқхонаси ҳамда пойтахтдаги Давлат тарихи музейи залларини безаб турибди. Ёки Хоразм шоҳлари давлати гуллаб-яшнаган даврлар — IX—XIII асрларда зарб этилган кумуш, мис тангалари, мис ўймакорлиги намуналари, кумуш чойидиш, кумғон ва лаганлар қадимда боболаримиз ўлмас ижодининг бизгача етиб келган бебаҳо нусхалари ҳисобланади.

Юқоридаги ноёб буюм ашёлар ЮНЕСКО бош штабида очиладиган Хева бўлими залларига кўйилиб, минглаб томошабинларнинг ҳукмига ҳавола этилади.

Парижда намойиш этиладиган халқ ҳунармандчилиги намуналари орасида ёғоч ўймакорлиги санъатига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Машҳур ўймакор уста Ота Полвонов ясаган 2 та эшик ҳамда устун бир асрга яқинки, нақшининг ўта сержилолиги билан минглаб томошабинларни ўзига жалб қилмоқда. Бундан ташқари ўтган асрда ва асримиз бошларида ясалган нақшинкор устунлар, эшиклар ҳам кўргазмадан муносиб ўрин олади. Турли зебзийнатлар, аёллар тақинчоқлари, узуклар, билакузуклар ва шокилалар парижлик мода ишқибозлари бўлган талабчан хонимлар диққатини қаратиши мумкин.

Р. ҲАСАНОВ.

«ЎЛИГИМИЗ ҲАМ, ТИРИГИМИЗ ҲАМ БИРГА БЎЛАДИ»

Турфа олам, турфа одам

Колорадо штати, Деневерлик Джеф Гриннинг ғалати севгиси ҳақида ўқигач, очиғи жуда ҳайратланиб қолдим. Наҳотки шунақа севги-муҳаббат ҳам бўлади?! Ғалатилиги — эътиқодимизга зиддек гўё. Чунки Грин севимли рафиқаси Люсининг ўлимидан қаттиқ таъсирланди. Хотинидан ажралишни ҳечам истамасди. Чунки Грин Люсисиз ҳаётини тасаввур ҳам этолмасди. Хотини ҳаётлигида «Грин сенсиз ҳеч қачон яшай олмайман, ўлигимиз ҳам бирга бўлишини истардим!» дея кўп бор такрорларди.

Грин Люсининг жасадини уйда қолдирди. Мумиёлатиб махсус —саркофагга солдириб қўйди. Махсус қурилмага Гриндан бошқа ҳеч ким яқинлаша ҳам олмайди. Саркофаг эса уйнинг 30 та хонасига махсус электр узатгичлар орқали улаб қўйилгандир. Бегона одам Люсига яқинлашса борми дарров «огоҳлантиради», сўнгра... портлаб кетиши мумкин.

Тирикнинг ҳам, ўликнинг ҳам ўз макони бор. Ўлим ҳақ. Ахир яқинларимиз орамиздан бевақт жисман кетадилар, маънан уларни ёдлаймиз. Биз билан хотиротимизда яшайди-ку? Шундай фикрлаймиз. Тўғри. Аммо, одамлар турфа хил. Феъл-атворим.

Ҳатто одамзот: «ўлим»ни ҳам турлича қабул қилади. Шунданми, Грифнинг ғалатироқ «севгиси»ни тушуниш мумкин. Ўта ҳаммиятли эр-хотиннинг «у дунёга бирга кетамиз» дейишининг боиси балки шу.

— Оламдан ўтган куним, — дейди Гриф, — бизни бирга оммавий қабристонимизга ёнма-ён дафн этишади. Шуни васият қилиб қўйганман.

Ўша куни эр-хотин бирга у дунёга кетишади.

Саида БОНУ тайёрлади.

ҚУШЛАР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Хориж матбуоти ёзади

Россия махсус хизматининг энг олий даражадаги айғоқчиси, марказий разведка бошқармасининг собиқ ходими Гарольд Николсон 23 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди, деб хабар беради ДПА агентлиги. У МРБ нинг разведкачилар тайёрлаш марказида юқори лавозимда ишлар эди. Агентликнинг хабарига кўра Николсон бундан кўпроқ муддатга қамалиши мумкин эди. Унинг яқингинада Россия махсус хизматига ўтганлиги ва бор-йўғи 120 минг доллар пул олганлиги унинг жазо муддатини қисқартиришга олиб келди.

* * *

«Асахи Симббун» газетасининг ёзишича Жакарта ва Бангкок аҳолисининг кўпчилиги японияликларга ҳурмат билан қарайди. Жанубий-шарқий Осиё давлатлари пойтахтларида газета томонидан ўтказилган сўров пайтида Гонконг аҳолиси Японияга нисбатан бефарқ муносабатда эканлиги маълум бўлган. Жакартанинг 81 фоиз аҳолиси эса Японияга нисбатан ҳурматлари борлигини билдиришди. Бангкок аҳолисининг 60 фоизи уларнинг фикрига қўшилди.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

КЎР-КЎРНИ ҚОРОНҒУДА ТОПГАНИДЕК

НЬЮ-ЙОРК. «Си-Эн-Эн» телекомпаниясининг машҳур шарҳловчиси Лэрри Кинг еттинчи бор уйланишга жазм қилди.

63 ёшни уриб қўйган қуёвнинг навбатдаги қайлиғи 37 ёшли Шон Сауфик исмли аёл бўлиб, у айни вақтда мусиқа билан шуғулланади. Шунингдек, хушқомат миссис Сауфик телерекламаларда ҳам қатнашиб туради. Лэрри Кинг у билан бир ёстиққа бош қўйганларнинг учинчиси бўлади.

АБЖИР СУЗУВЧИ НИЯТИГА ЕТДИ

ГАВАНА. Австриялик 22 ёшли Сьюзи Марони Куба билан АҚШни ажратиб турадиган Флорида бўғозидан сузиб ўтишга муваффақ бўлди. 144 километрлик масофанинг адоғига етиш учун унга бир кеча-кундуздан зиёдроқ вақт керак бўлди.

18 йилдан буён сузиш билан шуғулланиб келаётган Сьюзининг бўғозни «маҳв этиш» йўлидаги ўтган йилги ҳаракатлари муваффақиятсиз якунланган эди. Энди эса ниҳоят мақсадга эришилди. Айтиш керакки, бу муваффақият Сьюзининг биринчи «мўъжизаси» эмас, у 93 километр масофани 24 соатда сузиб ўтиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой ҳам олган. У Ла-Манш бўғозини барчадан тез сузиб ўтган абжир сузувчидир.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҒАРОЙИБ «ИМТИҲОН»

РИМ. Италия жанубида жойлашган Бари шаҳри марказидаги энг гавжум меҳмонхоналардан бирининг ҳовлисида ёш тадбиркорлар ва менежерлар учун ғаройиб тайёргарлик машқи ўтказилди.

Ҳовли саҳнига ҳали чўғи ўчмаган кўмир ётқизилди. Махсус буйруқдан сунг бўлғуси тадбиркорлар — ўқув машқи иштирокчилари бу «чўғ гилам»дан оёқяланг югуриб ўтишди. Маълум бўлишича, бу «имтиҳон» тадбиркор бўлишни хоҳлаган италиялик ёшларнинг иродаси ва ички қудратини синаш учун қўйилган экан. Италиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркор учун ирода ва ички қудрат ҳамиша муҳимдир.

Тақдирнинг қалтис ҳазили

ёшли Роберт Малваресни илон чақиб ўлдирди. Тус-туполонда яна 27 нафар бола жароҳатланди.

— Ҳамма мазза қилиб чўмилаётувди — дейди репортёрларга ҳовуз қутқарувчиси Глориана Мендес, — бирдан қандайдир «соя» тушди юзимга, қарасам нимадир шувиллаб тушяпти. «Соя» сувга шалоплаб тушганини эсалайман, холос. Эсласам, қўрқинчли тушга ўхшайди. Қутқаришга ҳаракат қилдик. Афсус, икки нафар норасида ғўдак қурбон бўлди.

Зоологшунос олимларнинг фикрича, оқ қарқарага илон осмонда «ҳужум» қилган. Баъзи сув моксинлари ҳам бўғма илонлардек душманини қалтис вазиятни пойлаб исканжага олади. Оқ қарқара кутилмаган ҳамладан шошиб қолиб «луқма»сини ташлаб юборган кўринади.

ЗАҲАРЛИ «ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ»

МЕКСИКА. Тампиконинг ёзи иссиқ. Шунданам ёз ойлари тампиколик ёшу-қари чўмилиш бассейнларида вақт ўтказади. Топтоза, кўм-кўк чўмилиш ҳавзасида болалар ҳам шодон қийқиришарди. Тўсатдан осмондан нимадир шувиллаб пастга туша бошлади. Пастлаб учаётган қандайдир қуш асабий чағиллай бошлади. Бирдан ҳовузчада қийчув бошланди. Ҳамма ўзини қиргоққа урарди. «Илон! Илон! Чақди!» бақирарди одамлар.

Катталар-ку қиргоққа чиқишга улгуришди. Ота-оналаридан сал наридаги болалар эса ваҳимага тушган катталар оёғи остида қолишди.

Оқ қарқара одатда сув илонларини кўп овлайди. Бугун ҳам шундай бўлганди. Афсус унинг «луқмаи ҳалоли» — заҳарли илонимоксин ўз жонини омон сақлади. Одатда бу илон одамни чақмасди. Лекин у оқ қарқара аламини чўмилаётганлардан олди. 7 ёшли қизалоқ Мария Касерес ва 9

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

БРЮССЕЛЬ. Люксембургда Европа Иттифоқи (ЕИ) кенгашига аъзо мамлакатларнинг иқтисод ва молия вазирлари даражасидаги мажлиси бошланди. Унда ЕИ ҳудудида янги пул бирлиги — «Евро»ни бегиланган вақтда муомалага киритиш масаласи муҳокама этилмоқда.

* * *

ҚОҲИРА. Миср пойтахтида икки ярим ойлик танаффусдан сўнг Фаластин-Исроил музокаралари бошланди.

Маълумки, шу йил 18 март куни Исроил ҳукумати Қуддус шаҳрининг шарқий қисмида яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин Фаластин-Исроил музокаралари тўхтаб қолган эди.

* * *

БАҒДОД. Ироқ раҳбарияти Сурия ҳукуматига мурожаат қилиб, бу икки мамлакат ўртасида 1980 йили узилган дипломатия муносабатларини қайта ўрнатишни таклиф қилди.

Маълумки, шу вақттача Ироқ билан Сурия ўртасида дипломатия муносабатлари мавжуд бўлмаган эса-да, икки мамлакат ўзаро савдо - иқтисодий ҳамкорликни тўхтатмаган эди.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 12-iyun, payshanba № 68 (22.152).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ҚУЁШ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

Ҳар гал қишлоққа борганимда аввало табаррук боболар ва момоларимни зиёрат қиламан. Уларнинг дуосини оламан, борлигига шукр қиламан, кўнглим тоғдек кўтарилиб қайтади...

Аммо... ҳар гал қишлоққа борганимда ўша азиз кишиларимни битта-биттадан йўқотиб бораман. Юрагимда ёмғирлар йиғлайди, армон... Энди уларнинг ёди менга таскин беради, овутади.

... Ҳамид буванинг доимий ҳамроҳи бўлган улкан чинор ҳам оҳиста тебранади, гўё ҳамроҳидан ажралгани учун йиғлаётгандай.

Анҳор бўйида отахонлар қаҳқаҳаси қишлоқни баралла тутмайди, улар ораларидан икки азиз кишини бой бердилар.

Қишлоқнинг ғийбатчи кампирлари тез-тез тўпланадилар, бир-бирларини авайлаб-асрайдилар.

Афсус, уларнинг сафлари сараланиб қолмоқда.

Менинг хаёлимда бу табаррук инсонларнинг ширин хотираларигина қолади. Яхшиям инсонда хотиралар бор. Хотиралар сенга таскин беради. Ором бўлиб аллалайди.

Ўтганлар руҳини шод айламоқ, уларнинг қилган улуғ ишлари ҳақида гапирмоқ эса тириклар бурчидир.

Бугун биз шундай улуғ бир инсон ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

1911 йил май ойининг бешинчи кунида Тошкентнинг Себзор даҳаси Хўжа маҳалласидаги ҳунарманд Низомхўжа хонадонида ўғил туғилади. Низомхўжа саводхон бўлмаса-да, меъморлик, дурадгорлик, гилкорлик илмини пухта эгаллаб, Тошкент ташқарисида ҳам яхшигина танилган эди. У яхши ниятлар билан фарзандига Қудрат деб исм қўйди. Токи фарзанди ҳар яхши ишда ўз

1

АҲДИДАН ҚАЙТМАС ЖОНИВОР

Бўрининг увиллашида ўзига хос армон бор, дейишади. Гўёки, бу жонивор уй ҳайвонига айланган, одамлар меҳридан баҳра олаётган итлар қаторида бўлиши мумкин экану, дайдилиги боис ёввойи бўлиб қолган экан. Умуман, ашаддий бу йиртқич ҳақида ҳикоя-ю ривоятлар бисёр. Шу нарса аниқки, одам боласи чорвачилик билан шуғуллана бошлагандан бери бўрининг ови юришиб қолган. Бўрилар айиқ ва тулкилардан фарқланиб, ўзининг чаққон ва қонхўрлиги, муҳими мўлжалга олган ўлжасидан қайтмаслиги билан ажралиб туради.

Афсуски, бундан 10-15 йиллар илгари баъзи «ёзувчилар» бўрилар ҳақида фикр юритиб, бу жониворни ижобий баҳолаб қўйишган. Гўё бўрилар чорвани турли хаста ва нимжон туёқлардан тозалаб турармиш. Ҳақиқатдан ҳам шундайми ё йўқлигини, ҳеч ким синаб кўрмаган. Чўпонларга шу нарса аёнки қўйлар подасига ҳужум қилган бўри аёвсиз дуч келганини ёриб ташлайверади. Йиртқични ижобий баҳоланиши эса бугунги кунда салбий натижалар бермоқда. Боиси, тоғлар оралиғи, далалар, қамишзору ғорларда улар шундай кўпайиб кетишдики, яйловларда чўпон-чўлиқларнинг ороми бузилмоқда.

Ўн саккиз минг олам

Умуман, бўри фақат чорвагагина зиён етказмай юртимиз ҳайвонот дунёсига ҳам қирон келтирди. Тўнғиз, кийик, тоғ эчкиси каби жониворлар бўрилардан озор чекишмоқда. Бугунги кунда йиртқич билан курашиш, улар сонини тартибга солиш ўзига хос муаммога айланган. Маълумки, бўри жуда кучли, ёвуз, айни пайтда кўриниши гўзал, бир қарашда ҳавасни келтирадиган ҳайвонлардан. Аммо бўри, деган сўзнинг ўзига ҳар қандай киши бефарқ қарай олмайди. Боиси, аввало бу жонивор ахд қилмасин, қолаверсафи камайиб кетган. Сабаб илгари ҳар бир бўри отган овчига йиртқичнинг териси ҳисобида мукофот иньом этиларди. Яъни, 100-150 рубль берилган.

Эндиликда бўри овига қизиқувчиларни ёллаш, уларни ов милтиқлари билан таъминлаш қийин бўлиб қолди. Бунинг устига отилган ҳар бир бўрига бериладиган «совға»дан ҳам кўнгил тўлмайди. Келинг, яхшиси бўрилар қанча зиён етказиши мумкинлигини хомчўт қилиб кўрайлик. Ҳар бир бўри кунига 4 килограммгача гўшт емаса, бўлмайди дейишади. Бунинг устига бу жониворлар сичқонсимонлар билан айланишиб ўтиришмайди. Яхшиси, қўйданам кўра йирик шохли молни ағдаришни маъқул кўрадилар. Демак, йилига 1 тоннадан кўпроқ гўшт битта бўрига тўғри келаркан. Бунинг устига уларнинг камида 10-15 йил яшашларини ҳисобга оладиган бўлсак, тонналаб озиқ-овқатга зиён етаётгани аён бўлади.

Баҳордан куз ойларигача бу жониворлар икки баробар кўпаяди. Яна болалари яшовчан бўлиб, 5-6 тадан туғилади ва катта бўлаверади. Октябрь ойига борганда бўри болалари мустақил бўлиб, учтадан тўдалашиб, изғий бошлайди. Бўрини оёғи боқади дейишадику. Овқат излаб кўп километр йўл боссалар ҳам ниятларига етмай қўймайдилар. Подага ҳужум қилган бўрининг каттагина қўчқорни кифтига олиб, қочиб бораётганини кўрганмисиз?

Бўриларнинг тез кўпаяётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани бежиз эмас. Боиси, йиртқичларнинг сонини нисбатан камайтириш ва тартибга солиш вақти етган. Фақат моҳир овчи ва мутахассислар етмай турибди. Бундай муаммонинг ечимини топиш, овчини рағбатлантириш ҳақида бир қарорга келиш пайти келмадимикин?

Масғут МАҲМУТОВ,
жамоатчи овчи.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

қудратини намойиш этсин.

Гўдаклигидан ҳалоллик, ростгўйлик, сабр-тоқатли, инсонийликнинг энг нозик сирларидан сабоқ берди. Меҳрибон, ширинсўз онаси Қудратжон саккиз ёшида тўсатдан вафот этади. Энг яқин кишисини йўқотган мурғак қалбни алам эгаллайди. Камсуқум, тажанг, хаёлпараст бўлиб қолади. Қариндошлар маслаҳатлашиб отасини уйлантирадилар.

Ўгай онанинг Қудратжонни қойишлари... Дадасини ҳар қанча яхши кўрмасин уйдан кўнгли совий бошлайди.

Аввалига дадаси зўрлаб ўқитаётган эски мактабни, кейин бойларнинг фарзандлари ўқийдиган ярим ҳарбий мактабни ҳам ташлаб кетади. Шу тариқа болаликнинг бедор тунлари бошланади. Орадан йиллар ўтади. Қудрат Хўжаевнинг саргузаштга бой ҳаёти бошланади. Унинг болалиги ва ўспиринлигидаги қайноқ ижтимоий ҳаёт, онадан етим қолиб, ўгай она ва қаттиққўл ота қўлида шўх ва қайсар бўлиб ўсиши, кўпгина воқеаларни бошдан кечириши, чанқоқлик билан кўргани халқ санъати, сайиллари, томошаларининг сеҳри, Озарбойжон театри спектаклларининг таъсири унга санъат йўлини очиб берди. Болалигидан актёр бўлишни орзу қилди. Театрдай гўзал бир санъатга ҳавас қилиш, унинг сир-асрорларини билишга интилиш — улуғ иш эканлигини юракдан ҳис қилади.

Боқий санъат

Йиллар давомида йиғилган ана шу таассуротлар билим ва йўлланмалар Қудрат Хўжаевни санъаткор сифатида ижодий камолотга эришишда пойдевор бўлди.

Москвадаги А. Луначарский номидаги театр санъати институтининг актёрлик факультетини тугатиш ва режиссёрлик курсида малака ошириши, «Ишчи театри» ва Ҳамза театрида ишлаган дастлабки йилларида санъатимиз дарғалари Етим Бобожонов, Лутфулла Назруллаев, Обид Жалиловларнинг устозлик қилишлари касбга бўлган муҳаббатини оширади.

Қудрат Хўжаев кўп қиррали актёр бўлиб етишди. Уни комик, трагик, лирик ёки характерли актёр деб аташ мушкул. У қайси жанрда, қандай ролда ўйнамасин, образни ҳам ташқи, ҳам ички жиҳатдан пухта ишлашга, қаҳрамон ҳатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва инсоний жиҳатларини очиб беришга интилади. Устозлар кўмагида саҳнавий реалистик образ яратиш услубини ўрганиб ўз йўлини топганда иккинчи

2

жаҳон уруши бошланади. Бир қатор санъаткорлар билан 1941 йил 20 декабрда фронтга кетади. Жангларда қатнашади, оғир жароҳат олиб 1943 йилда Тошкентга қайтади. Янгийўл театрида режиссёр ёрдамчиси бўлиб иш бошлайди. 1944—46 йиллар Самарқанд вилоят театрида, 1947 йил Тошкентдаги Ёш томошабинлар театрида, 1949—52 йиллар Наманган вилоят театрларида бош режиссёр бўлиб фаолият кўрсатади. 1952 йил қадрдон даргоҳ — Ҳамза театрига қайтади.

Қудрат Хўжаев Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Шариф Қаюмов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаевдек буюк санъаткорлар билан ёнма-ён ишлаш бахтига муяссар бўлди. Шу билан бирга театр ва кино соҳасида қатор образлар яратиб, санъатда фидойилик кўрсатди.

Жумладан, театрда драматург Соли Исмоилзоданинг «Темур» номли драмасида Анвар-пошшо, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Холисхон» драмасида Норбойвачча, Туйғуннинг «Баҳодир» драмасида Мирзо Обидшоҳ, «Алишер Навоий», спектаклида Мажиддидин, «Сўнгги қурбон» комедиясида Лавр Миронович, «Мирзо Улуғбек» трагедиясида Саккокий, «Юлий Цезарь» трагедиясида Цезарь ва бошқа бир қатор образларни қойилмақом қилиб ижро этган бўлса, кино саҳнасида ҳам талай ютуқларга эришган.

Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Зоҳит Собитов, Латиф Файзиев, Равил Ботиров, Али Ҳамроев каби етук режиссёрлар билан ишлаш, уларнинг ақл-заковати, шуури, ижод, услуби ва илмидан баҳраманд бўлган.

Кинодаги муваффақияти асосан «Амирликнинг емирилиши» фильмида Эсонбой образи, «Икки дил достони»да Нақшибий» «Дарбозлар»да Мирҳайдар қўрбоши каби образларни ўзига хос талқинда ижро этганини мухлислар яхши эсласалар керак.

Ҳар бир актёрнинг ўз йўли, ўз услуби бўлади. Унинг ижод жараёнида маълум бир тартиб бўлади. Унга эса актёрдан ўзгалар риоя қила олмайди. Зеро, ҳар бир янги образ янги бир кашфиётдир.

Актёр — бу гўзаллик ва эзгуликдан дарс берувчи муаллим, театр — сабоқхона. Тинчлик жарчиси, адолат, тенглик, дўстлик, садоқат, меҳр-муҳаббат нурларини сочувчи қуёш порлоқ қуёшдир. У ҳеч қачон сўнмайди.

Ажойиб санъаткор Қудрат Хўжаев ҳаёт бўлганида бу йил 86 баҳорни қаршилаган бўлур эди. У ижро этган ҳар бир образ талқин халқимизнинг ўчмас мероси бўлиб қолди. Мухлислар қалбидан жой олган бу бетакрор образлар инсонларга қувончли кунлар ва бахт ҳадя этаверади.

Феруза ОРИПОВА.

3

Спорт

ТАЛАБАЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Спортчи талабаларнинг анъанавий мусобақаси ҳамиша қизиқарли бўлади. «Талабалар спорт ҳафталиги» мусобақаларида қарийб 27 олий ўқув юртининг ёшлари спортнинг 8 тури бўйича баҳслашдилар. Мусобақа республика касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт «Ўзбекистон» жамияти Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўтказилди. Тошкент молия институти ёшларининг кўрсаттан натижалари чакки эмас. Чунончи, волейбол, баскетбол, миллий кураш, қўл тўпи, теннис, сузиш, енгил атлетика бўйича якунланган баҳслардан кейин совринли ўринлар белгиланди. Қўл тўпи бўйича 3-ўрин эгалланган бўлса, баскетболчи қизлар иккинчи бўлишди.

Миллий кураш ва волейбол бўйича ҳам ана шундай ўринлар насиб этди. Футболчилар эса биринчи ўринни эгаллаб, мухлисларни қувонтиришди.

Саидмурод АБДУРАШИДОВ.

БОРДИ – КЕЛДИ ИПЛАРИ УЗИЛМАСИН

Яқинда бир танишим — Тоҳир ака тўй қилди. Тўй шундай бир улуғ неъматки, у сабаб кўнгиллардан ғубор арийди, тиллар дилларга туташади. Таниш-нотаниш чеҳраларни кўриб, кўзларидан меҳр оласан ва уларга меҳр берасан. Шундай бўлди ҳам. Тоҳир ака қиз чиқарди. Қиз унга ўгай, бироқ ўз қизидек суйиб чиқарди. Ахир, қиз 13 йил Тоҳир аканинг меҳридан сув ичди, ўсди, улғайди.

Қувонарлиси шуки, бу тўй бир-биридан бехабар икки оилани — «кундош»ларни бирлаштирди, яъни тантана сабабчиси бўлмиш Саида 13 йиллик айриликдан сўнг ўз отаси билан, иккинчи онаси ва сингиллари билан дийдорлашди.

— Турмушнинг бешафқатлигини қарангки, ўшанда айрим оғзи ёмонларнинг гапига учиб Зулфирахон билан ажрашган эканман. Шу пайттача уларнинг қаерда яшаётганлигидан, тақдиридан бехабар эдим. Шукрлар бўлсинки, мана ниҳоят уларни топдим. Тўйга хотин-болаларим, ота-онам, қариндош-уруғлар билан келдик, — дейди Ўрта Чирчиқ тумани «Роватак» жамоа хўжалигидан келган Камолиддин ака.

— Тошкентда шундай қизимиз бор эканку, билмаган эканман. Бугун уни топганимдан шунчалар ҳаяжондаманки, илоҳим бахтли бўлсин, — дейди Зулфира опанинг «кундоши» Қаромат опа.

Қисқаси Саидахоннинг никоҳ тўйи барча тўйлардан ўзгача ўтди. Унга Саидахоннинг икки отаси ва икки онаси бош-қош бўлди. Энг қувончлиси бу икки оила эндиликда бордикелди ипларини маҳкам боғлашди.

ШОЛЧА ОСТИДАГИ «ТІСО»

Тўйда оппоқ соқолли, бироз оқсоқланиб юрадиган қария билан танишдим — Тошали ака Бегматов. У ҳам Ўрта Чирчиқ туманининг «Роватак» жамоа хўжалигидан келибди. Камолиддин аканинг қариндоши экан. Гаплашдик. Овозлари тетик, йигитларникидек. «Қариямас» — ўйладим ўзимча. Ёшини сурадим. Саксонга яқинлашибди. Урушга ҳам борган экан. Уқ еб, оқсоқ бўлиб қолибди.

Столда ўтирибмиз-у, Тошали ака сал нарида турган янги «Тісо»га қараб-қараб қўярди. Мен уни ўзимча тушундим.

— Машинани жасоратингиз учун олганмисиз?

— Йўқ, жасорат учун олганларимиз етарли. Машинани ютиб олганман.

— Наҳотки!

Ажабланганимни кўриб, Тошали ака бир бошдан сўзлай кетди:

Турмуш ажойиботлари

— Икки йил аввал мустақиллик шарофати билан мукофотлашди. Шунда 900 сўмлик чек ҳам беришди. 450 сўмига уйга озиқ-овқат дегандек нарсалар олдим. 450гини эса пул қилиш учун «сберкасса»га бордим. Чунки пул зарур эди. Аввалига у ердаги қиз кўнмади. Пул йўқ, деди. Мен оёқ тираб туриб олдим. Қиз кўнди, фақат битта шарт билан. Йигирма сўмига 2 та мустақиллик лотереяси бераман, деди. Кўнмадим. Чунки пул керак эди-да. Майли, ўн сўмини ўзингта олиб қўяқолда, қолганини пул қилиб бер, дедим. У десам — бу деди, бу десам — у. Қисқаси мени енгди. Иккита лотереяни пул билан уйга олиб келиб, энди ўтирсам, 3 ёшли неварам Охунжон пул санаётганимни кўриб:

— Пул бейинг, — деб қолди.

Иккита лотереяни бериб юбордим. У қувониб, қўлида кўтарганча кўчага чиқиб кетди.

Бир куни кечқурун қўшним уйга газета кўтариб келди.

— Тошали ака, сиздаям лотерея бор эди, кўрайликчи, — деди. Лотереяни излай-излай тополмадим. Сўнг неварамдан сўрадим:

— Охун, хў-ў бир куни сенга пул бермаганмидим?

— Бейдингиз, — деди ва яшириб қўйган жойидан — шолчанинг остидан олиб берди. (Қаранг унга берганимни унутибман). Ва шу куни уйимизда катта байрам бўлди.

— «Сберкасса»да сизни «қийнаган» қизни ҳам йўқлаб қўйдингизми? — ҳазиллашдим отахон билан.

— Ҳа, албатта, ҳозир ҳам йўқлаб тураман. Айттандай, бу ёғини эшит, болам. Ўша яхши куннинг эртасига тумандаги катта идорадан бир йигит келди. Исми Қаршибой эди.

— Ота, «Тісо» ютибсиз деб эшитдим, лотереяни менга берсангиз, ўзим ҳужжатларини тўғрилаб, машинани олиб бераман, — деди. Мен газетаниям қўшиб, ҳе йўқ, бе йўқ, бериб юбордим. Буни эшитиб хотин қойиб қолди: «Ҳе, мияси ишламаган чол-а. Энди у тайёр ошга баковул бўлиб олади. Машина кетди деяверинг», — деди. Шундан сўнг қани энди жойимда ўтиролсам. Оёғи куйган товуқдек ичим питирлайди. Тонг отиши шунчалар қийин бўлиб кетдики... Саҳармардонда унинг идорасини сураб-суриштириб топиб бордим.

— Ҳа, ота, тун қандай ўтганини билмай қолдингизми? Бунчалар содда бўлмасангиз-а, ота. Лотереяни олмаганман, деб туриб олсам, нима қилардингиз? Яхшиям ўз пайтида бориб олган эканман. Менинг ўрнимга бошқа бир нияти шум бориши ҳам мумкин эди, ахир.

— Ҳай, ҳай, шайтонларнинг юзини нари қилсин, — дедим ва у тайёрлаб қўйган ҳужжатларни олиб, бу дунёда яхши одамлар кўплигига шу ёшимда яна бир бор ишондим. Шундай қилиб, 17 кундаёқ машинани олиб келиб беришди.

Алимқул ТОШИБЕКОВ.

Белоруссия Республикасидаги махсус кийим-кечаклар ва пойабзал ишлаб чиқарувчи энг йирик

«СТЕЦКЕВИЧ» ҲЖ

кирза ва резина этикларини, калишлар, махсус кийим-кечакларни

СОТАДИ.

Йирик қорамол териси ва махсус кийим-кечак ишлаб чиқариш учун бўз, диагональ «двухнитка» ип газламаларини

ХАРИД ЭТАДИ

МТЗ тракторлари, двигателлари, шиналар, МДЗ автомобиллари ва Белоруссия корхоналарининг бошқа маҳсулотларига айирбошлаш мумкин.

Мурожаат учун: Минскдаги телефонлар: (017) 2285028, 2285128, 2285225.

«Маҳоит» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади

Миробод туманидаги «Нозима парвози» хусусий тижорат-ишлаб чиқариш фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Ўқишга марҳамат!

Гулистон Давлат университети қошидаги республика лицей-интернати 1997—98 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга республикамизнинг барча мактабларининг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугаттан иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Лицей-интернатининг 9-синфларига суҳбат асосида қуйидаги йўналишлар бўйича 1997 йилнинг 20 июнидан 20 июлигача ҳужжатлар қабул қилинади:

- Иқтисод бўлими
- Табиий фанлар бўлими (физика, математика, кимё, биология ва муҳандислик)
- Социал фанлар бўлими (тарих, ҳуқуқшунослик, ижтимоий фанлар)
- Ўзбек тили ва адабиёти
- Хорижий тиллар (инглиз ва рус тиллари)

Лицейга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар. Бундан ташқари лицейда дид билан жиҳозланган синфхоналар, лабораториялар, лингафон ва компьютер хоналари, фан кабинетлари, кутубхона ва ўқув заллари, спорт зали ва майдонлари, устахоналар, лицей ички телерадиостудияси, профилакторий ва бошқа қулайликлар ўқувчиларга мунтазир. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали ўқитувчилари олиб боради.

Танлов шарти:

Танлов йўналишга оид касбларга ва фанларга муносабатни, қизиқишни аниқловчи тест-синовлари (суҳбат) асосида амалга оширилади. Тест-синовлари (суҳбатлар) 1997 йилнинг 1 августидан 15 августгача махсус график асосида ўтказилади. Шаҳар, туман, вилоят олимпиадаси ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза
2. Шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ёки мактаб педагогик кенгаши йўлланмаси
3. 6—8 синфлар табеллари
4. Тиббий маълумотнома (086-форма)
5. 4 донадан 3х4 ва 6х9 ўлчамли фотосуратлар
6. Турар жойидан маълумотнома

МАНЗИЛИМИЗ: Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 72-22-15, 72-40-61.

Қуйи Чирчиқ туманидаги Киров номли кечки ўрта таълим мактаби томонидан Раҳматуллаев Тўлқинга 1992-1993 ўқув йилида берилган 292996 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Зангиота туманидаги «Нодира» номли 15-ўрта мактаб томонидан Каримов Улуғбек Тўлқиновичга 1996 йилда берилган 083729 сонли аттестет йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**